

**ШЕКСПИР ТРАГЕДИЯЛАРИ ҒАФУР ҒУЛОМ
ТАРЖИМАСИДА (“ОТЕЛЛО” ТРАГЕДИЯСИ МИСОЛИДА)**

Атоқли ўзбек шоири Ғафур Ғулом турли даврларда ғарб адабиётидан жуда кўп асарларни таржима қилган. Ўзбек шоирининг таржимонлик маҳорати эса ҳозирга қадар атрофлича ўрганилмаган. Ғафур Ғулом бадиий таржима ишига ижодий ёндашган, асарнинг гоёвий мазмуни, бадиий хусусиятларини, муаллиф фикри, тили ва услубий жиҳатларини акс эттириш “сир”ларини яхши билган сўз устасидир. Айниқса, у инглиз драматурги Шекспир яратган ўлмас образларни ўзбек тилида нозик дид ила санъаткорга хос маҳорат билан қайта тикладиганининг шоҳиди бўламиз. Адиб 1940 йилда “Отелло”, 1956 йилда эса “Қирол Лир” трагедияларини ўзбек тилига таржима қилди.

Ғафур Ғулом Шекспир асарларига чуқур ихлос билан қарар, буюк инглиз драматурги мураккаб конфликтли воқеалар ичида мукамал характерлар ярата олиши билан уни мафтун этган. Айни пайтда Ғафур Ғулом Шекспирни сахна асари яратиш санъатининг пири деб атаган эди. У ўз таржимонлик тажрибасида инглиз драматургининг ўзига хос услубини сақлашга, Шекспир ўзбек тилида ҳам “ўз Шекспирлигича” қолишига эришишга астойдил ҳаракат қилган. Шу мақсад йўлида шоир Шекспир пьесаларини диққат билан мутолаа қилди, асарларининг яратилиш тарихи, услуби ва текстологиясини кунт билан ўрганди.

Маълумки, Шекспир пьесалари жарангдор ритм, қофиясиз оқ шеър билан битилган. Фақат аҳён-аҳёндагина қофия учрайди, холос. Шеърини мисраларда беш бўғинли туюқ олти бўғинли туюқ билан алмашилиб келади. Ҳатто, бундан ҳам қисқа, тўрт, уч, икки бўғинли туюқлар ҳам учрайди. “Отелло” трагедиясини таржимон ўзбек тилига ўн уч бўғинли бармок, билан ағдарганки, бу жарангдорлик жиҳатдан

русча ямб шеър тузилишига (икки бўғинли тuroқлардан тузилган, урғуси иккинчи бўғинга тушадиган шеър вазни) яқин туради.

Ғафур Ғулом Шекспирнинг “Отелло” трагедиясини томошабинга манзур қилиш мақсадида ўз она тилининг имкониятларидан унумли фойдаланади. У буюк драматург яратган асарларнинг руҳига ва образлар дунёси ичига чуқурроқ кириб борши учун трагедиянинг бир нечта русча таржима вариантлари билан муфассал танишади.

Бадий асарда тасвирланган характерни бадий таржимада акс эттириш муҳим муаллифлардан ҳисобланади. Асардаги бош қаҳрамон образини таржимада тўғри бера билиш кўпинча бутун асар таржимасининг тақдирини ҳал қилади.

Ғафур Ғулом Шекспир қаҳрамонлари характерини таржимада қайта тиклашда асосий ютуқни қўлга кирита олади: унда образлар асл нусхага монанд ўларoқ, эркин ҳаракат қиладилар. Таржимада эришилган яна бир ютуқ шундаки, трагедияда персопажлар нутқининг ўзига хослиги жуда яхши акс эттирилган. Шекспир қаҳрамонлари ясама қолипда, сохта ваъзхонлик қилмайдилар, балки бир-бирлари билан жонли суҳбатда, мунозарада бўладилар. Қиёс учун асарнинг инглизча нусхаси, М. М. Морозовнинг рус тилига ағдарган сўзма-сўз таржимаси ва Ғафур Ғуломнинг ўзбек тилига қилган бадий таржимасидан мисоллар келтирамиз:

Why, how now, ho! from whence ariscth this?
Are we turn'd Turks, and to ourselves do that
Which heaven hath forbid the Oltomites?
For christian shame, put by this barbarous brawl:
He that stirs next to carve for his own rage
Holds his soul light; he dies upon his motion,—
Silence that dreadful bell! it frights the isle
From her propriety.— What is the matter, masters?—
Honest Iago, that look'st dead with grieving.

Speak, who began this? On the love, I charge thee¹.

М.Марозовнинг русча насрий таржимаси:

Эй, вы, что такое? Из-за чего возникла ссора? Или мы превратились в турок и делаем с собой то, что небо не дало совершить оттоману? Во имя христианской совести прекратите эту варварскую драку. Следующий, кто шевельнется, чтобы предаться личному своему гневу, дешево ценит жизнь: он умрет при первом движении. Прекратите звон колокола, наводящий ужас! Он волнует жителей острова. Что случилось, господа! Честный Яго, от огорчений ты выглядишь мертвецом. Скажи, кто это начал? Во имя твоей любви ко мне, приказываю тебе!²

Ғафур Ғулом таржимаси:

Хўш, Отелло, иима гап, қандай қилиб бу жанжал чиқди? Биз туркларми, иккита дўст шундай олишса?

Қачон берди кўк тангриси бунга ижозат?

Ваҳший жанжал йўқотилсин! Сиз христиан!

Ким қутурган ғазабини дарров ютмаса,

Бу дунёда яшамайди; қимирлаш — ўлим,

Бу даҳшатли кўнғироқни тўхтатинг тездан

Ваҳимага солур бутун Қибрис отасин.

Хўш, нима гап, нима жанжал?

Сен айт-чи, Яго. Нима учун мурда каби бўзариб кетдинг.

Билмоқчиман, ким бошлади, бу ишни аввал?!³

Шекспирнинг шеърий саҳна асарлари таржимаси шундай мураккаб бир санъатки, бу таржимондан фақат тилларни билишнигина

¹ Sliaxe.spc-aie. Othello Издательство иностранной литературы, М., 1950, стр. 42. (Кейинги мисоллар ҳам шу китобдан олинади.)

² М. М. Морозов. Избранные статьи и переводы, Государственное издательство художественной литературы, М., 1954, стр. 526. (Кейинги мисоллар ҳам шу китобдан олинади.)

³ Вильям Шекспир. Пьесалар. ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти. Т., 1960. 230-бет. (Кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олинади.)

эмас, балки, Буюк Британия тарихи, айникса, Шекспир даври тарихи, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳамда театрлари хусусиятидан яхши хабардор бўлиши ва, боз устига, Шекспир даҳосининг бадиий тафаккур оламига кириб боришга имкон берадиган уста шеър соҳиби ва юксак таржимонлик маҳоратига эга бўлишни талаб қилади. Юқорида келтирилган парча таржимасидаи кўриниб турибдики, ўзбек шоири Ғафур Ғуломнинг ашъорий фаҳми буюк инглиз сўз устаси бўлмиш Шекспирнинг шеърий руҳига яқин ва ҳамоҳангдир.

Ҳар қандай асарда ҳам бўлак персонажларга қараганда бош қаҳрамон образи анча қабарироқ, бўрттир-ма планда, куюқроқ тасвирланадн. Таржимон ҳам айнаи асосий образни аниқ ва равшан чиза олган.

Ғафур Ғулом ўз таржимасида Шекспир қаҳрамонларининг реалистик баркамоллиги ва бадиий мукамаллигини усталик билан тиклай билган. Натижада ўзбекча таржимада ҳам образлар жонли бўлиб чиққан: ҳаёт қарама-қаршиликларига мувофиқ тарзда кишиларнинг ички дуйёсида ҳам ўзгариш сезила боради, сўнгра бу уларнинг ташқи қиёфаси — хатти-ҳаракатлари ва нутқида ўз аксини топади.

Отелло образини таимада тиклаш шартларидан бири — трагедиянинг умумий манзарасини тўғри акс эттиришдан иборатки, бу эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги муттасил кураш формасида берилган. Трагедияда тасвирланган манфурлик ёвуз Ягонинг инсон ақлидрокини танг қолдирадиган даражада пасткашлик билан қилган мунофиқлигида ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтганда трагедиянинг ўзбекча таржимасида ҳам образлар ўзларининг Шекспир яратган характерларининг тўлиқ сақлаган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Sliaxe.spc-aie. Othello Издатольство иностранкой литературы, М., 1950, стр. 42.
2. М. М, Морозов. Избранные статьи и переводы, Государственное издательство художественной литературы, М., 1954, стр. 526.
3. Вильям Шекспир. Пьесалар. ЎзССР Давлат бадий адабиёт наширёти. Т., 1960. 230-бет.